Гос. книжная палата УзССР
ИЮЛ 1982

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 271 (4966).
2 ДЕКАБРЬ 1982 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СССР 60 йил

ЗАФАРЛАРИМИЗ — ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА

КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга!

ПРОГРЕССИВ ТЕХНОЛОГИЯГА — КЕНГ ЙЎЛ

Самарадорлик ва сифат йўлида

«Сифатли, унумли меҳнатни, ташаббускорлик ва омилкорликни рағбатлантирадиган шарт-шароитлар — иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни вужудга келтириш зарур».

(КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқидан).

Монтажчилар объектга графикда белгиланган вақтда келдилар. «Фундаментни қабул қилиб олинг», — деди уларга «нулевик»лар бригадири Зинур Фатхутдинов.

— Ишингиз дуруст бўлишини биламиз, — деб қулимсиради монтажчилар бригадирлари Эркин Зоиров билан Валерий Михайлов. Шундай дейишди-ю бари-бир текшириб чиқишди. Хуллас, фундамент қабул қилиб олинди. Энди монтажчилар Ипподромная кўчасида 70 квартирали уйни кўтара бошлайдилар.

Тошкентдаги 1-уй-созлик комбинатининг одатдаги уйини, шунингдек фундаментни одатдагидек монтажга топшириш бўляпти. Шундай бўлсада, бу эътиборга лойиқ воқеадир. Чунки йил бошидан буён тежалган вақт ҳисобидан шу билан ўнинчи уй қурилмоқда.

Пландан ташқари ўнта уйми?

— Йўқ ундай эмас, булар ҳам планда кўзда тутилган, — деб жавоб қилади комбинат раҳбарлари. —Бу ерда гап тежалган нормадаги вақт тўғрисида бораётир. Коллектив бошлаган жадал суръат планнинг ўзидаёқ акс эттирилган. Биз йилига 110 та уй қуряпмиз. Пудрат потоги бўлмаса шу программани бажариш учун яна камида 200 ишчини ёллашга тўғри келарди...

Уч йилдирки, тошкентликлар Таллин ва Фарғона бинокорларидан ўрнак олиб, меҳнатни ташкил этишнинг ана шу илғор усулини жорий этдилар. Бу усулнинг моҳияти шундаки, котлован ва фундаментдан сўнгги включателгача бир уй кетидан иккинчи уйни қуриб боришётган кўзбўямачилик ҳисобидаги барча бригадалар битта пудрат шартномаси билан бирлаштирилган ва масъулият ҳамманинг зиммасида баббаравардир. Қилинган меҳнатнинг пировард натижаси — тайёр ва аҳоли кўчиб кирган уй учун бериладиган мукофот ҳам ўртада.

Иш шундай ташкил этилганида навбатдаги ҳар бир ижрочи ўзидан аввалгиси қилган ишларни текшириб чиқади. Бу усулда злобинчасига жадал қурилган уй-сантехниклар ёки безакчиларни ҳафталаб, ойлаб кутадиган, шартномани имзолаган монтажчилар бригадаси темир-бетон буюмлари заводи ёки шоферларнинг айби билан бекор турадиган вазиятлар вужудга келмайди.

Фатхутдинов билан Юнусобод массивининг янги кварталида яна бир бор учрашдик. Бу ерда бригада навбатдаги фундаментни монтаж қилаётган эди. «Хар қачонгидек бу сафар ҳам Зоиров ва Михайловнинг монтажчилари бизни ошиқтиришяпти, — деди Фатхутдинов. — Уларнинг ўзларини бўлса безакчилар ошиқтиришади. — Потокда сантехниклар ва электриклар звеноси қатнашади. Уларга ҳам иш майдони керак. Буларнинг кетидан эса том ёпувчилар ҳозир-нозир...

Ҳаммамизнинг вазифамиз битта — уйни тезроқ битказиб аҳолига топширишдан иборат. Шунинг учун ҳам суръатни бўшаштирмаяпмиз. Эндиликда қилаётган меҳнатимизга пудрат поток усули жорий этилмаган уч йил аввалгига қараганда бошқача баҳо бериляпти. Ҳақ ҳам бошқача тўланяпти. Илгари бригада ўз иш циклини бажариб бўлганидан сўнг, аккорд наряд билан ҳақ оларди-ю, шундан сўнг объект билан иши бўлмай жўнаб қоларди. Энди бўлса уй тезроқ битирилганлиги учун ҳам мукофот оламиз. Оз эмас: ойига ўрта ҳисобда 30 сўмдан тўғри келади».

— Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исмоил Ориповнинг «Бир ҳафталик топшириқни тўрт кунда бажарайлик» деган ташаббуси пудрат потогининг мантиқий поёни бўлиб қолганлигини ўзимиз кўриб турибмиз, деб хулоса чикаради бригадир. — Чунончи Орипов бошчилигидаги бетончилар колективи бизни конструкциялар билан таъминлаётган коллективларнинг бири бўлиб ишни тезлатишимизга дастлабки манба бўлмоқда.

Ҳар қандай оқим сингари пудратли потокнинг ҳам ўзани бор. Уни инженер ва экономистлар ҳар йил, ҳар квартал, ҳар бир ойга мўлжаллаб солияптилар. Бош пудратчи ташкилотда ҳам, кичик пудратчи ташкилотда ҳам деталл ишлаб чиқариш ҳажми, уларни объектларга етказиб бериш, транспортга бўлган эҳтиёж, иш босқичларини бажариш муддатлари ва бошқа кўп томонлар ҳисоблаб чиқилмоқда.

Қилинадиган ишлар қурилишнинг йиллик графигидан йиллик графигидан ҳар бир суткага мўлжалланган монтаж транспорт графигига қадар қатъий белгилаб қўйилади.

Шундай қилиб, инженерларнинг иши кўпайди. Лекин тежалган вақт ҳисобидан қурилган уйлар бунга арзийди, албатта.

«Главташкенстрой» нинг социалистик мажбуриятида: 1982 йилда 20 та кетма-кет пудрат потоклари зуджуда келтириш ёзиб қўйилганди. «Мажбурият ошириб бажарилди, — деди бошқарма бошлиғининг ўринбосари К. Солиxов. — Потоклар сони 25 тадан ошиб кетди. Панель уй-жойларни 60 процентга яқинини шундай пудратчи ташкилотлар қурмоқда ва шу иш ҳисобига икки минг кун тежалди. Иқтисодий самара эса 2,5 миллион сўм бўлди. Келгуси йили потоклар сонини 35 тагача етказамиз».

Пудрат потоклари кўп бўлгани яхши-ю, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бирдай унум билан ишлаяптимикин, маъмурият ҳар бир потокнинг бир маромда ишлаб туришини йўлга сола олаяптимикин? Берилган шу саволга жавоб бериш қийинроқ. Бу потокларнинг ичида тузук ишламаётганлари ҳам бор. Қурувчиларнинг фикрича, уй-жой қуриш аниқ планининг йўқлиги асосий проблемадир. Маълумки, партия ва ҳукуматнинг қарорларида бюртмачи пудратчига келгуси йил иш программаси лойиҳа-смета ҳужжатларини 1 июлдан кечикмай бериб қўйиши керак. У қурилиш майдонини ҳам тозалаб тайёрлаб бериши лозим. Ҳозирги бюртмачимиз Тошкент шаҳар ижроия комитетидир. Мана ноябрь охирлаб колди, аммо «Главташкенстрой» 1983 йил программасининг тахминан 70 процент лойиҳалари ва сметалари билан таъминланган. Январь ойидаёқ иш бошлаб юборса бўладиган кўпгина майдонларда бузилиши лозим бўлган иморатлар ҳамон турибди. Шу аҳволда потоклар графигига амал қилиб бўладими? Уларнинг самарали ишлашини таъминлаб бўладими?

«Главташкенстрой»дагиларнинг фикрича, икки йиллик планлаштириш вужудга келган аҳволдан қутилишга энг яхши шароит яратади. Шундай планлаштиришда бу йилгина эмас, келаси йилдаги қурилиш программаси ҳам яхши бўлади. Пойтахтдаги қурилиш ишларининг барча қатнашчилари олдига аллақачон шундай вазифа қўйилган. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида тўғри гаплар айтилди — камчиликларни йўқотишга қаратилган анча-мунча қарорлар қабул қилинди, бу қарорларни сўзсиз бажариш керак. Энг муҳим халқ хўжалик участкаларидан бири — капитал қурилишда ҳам бундай камчиликларга барҳам бериш керак.

В. ЧЕРНОМОРСКИЙ,
ЎзТАГ мухбири.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ОЛДИДАН

ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛЯПТИ

Тошкент кўн-мўйна заводи коллективи Москвадаги саноат корхоналари коллективларининг шу йил 18 декабрда СССР 60 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиш бўйича бошлаган ташаббусини Тошкент саноат корхоналари орасида биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади.

Корхонада коммунистик шанбаликни уюштириш ва ўтказиш бўйича махсус штаб тузилди. Шу штаб аъзоси, завод партия бюроси секретари М. Каримова биз билан суҳбатда шундай деди:

— Корхонамизда — коммунистик шанбалик ўтказишга бағишланган митингда пўстиндўзлик цехидаги коммунист ишчилардан А. Алиев, Т. Отахонов, А. Усмонов, С. Каримова, М. Зиёевалар гапириб, меҳнат байрами куни ишлаб чиқариш нормасини 130—150 процентга етказиб бажаришга ваъда бердилар.

Пўстиндўзларнинг бу ташаббусини дазмоллаш-пардозлаш цехи коллективи қўллаб-қувватлади. Жиззах область Дўстлик районидаги иккинчи филиалимиз ишчи ва хизматчилари ҳам шу куни зарбдорона меҳнат қилишга аҳд қилдилар. Ҳозир бу воқеага қизғин тайёргарлик кўришаяпди.

Шанбаликда жаъми 472 киши қатнашади. Шундан 396 ишчи ўз иш жойларида меҳнат қилиб, хотин-қизлар ва болалар учун 65 та пўстин, 12 та пальто, 1000 та бош кийими тайёрлайдилар. Жаъми 50 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шундан 5 минг сўмлиги тежалган хом ашёдан тайёрланади.

Шу кунги 3 минг сўмлик иш ҳақи ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Т. НАЖМИЙ.



Тошкент экскаватор заводида тайёрланаётган экскаваторлардан республикамиз халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида, жумладан, ирригация ва мелиорация қурилишларида, қўриқ ерларни ўзлаштиришда кенг фойдаланилади. Завод коллективи бу йил 1515 та экскаватор тайёрлашга аҳд қилган. Бахтиёр Нормуҳамедов бошлиқ бригада коллективи экскаваторларни йиғишда намуна кўрсатиб ишлаяпти. Бригада аъзолари ўз касбларини пухта билиши уларга тез ва соз ишлаш имконини беряпти.

СУРАТДА: (ўнгдан-чапга) бригадир Бахтиёр Нормуҳамедов ва йиғувчи слесарь Олим Хўжаев.

Қайтадан саҳналаштирилган ДОСТОН

Алишер Навоийнинг ўлмас достони асосида олтмиш йил муқаддам яратилган «Лайли ва Мажнун» музикали драмасини Муқимий номидаги Тошкент музикали драма театрининг ижодий коллективи қайтадан саҳналаштирди

«Лайли ва Мажнун» дастлабки опералардан бири бўлиб, Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларидаги театрларда бир минг марта саҳналаштирилган. Бу постановкалар актёрлик маҳорати мактаби бўлиб, Ўзбекистон театр санъати тарихи дарслигига ёрқин саҳифа бўлиб кирди. Уша пайтда эндигина вужудга келаётган ўзбек профессионал театрида биринчи профессионал спектакль саҳнага қўйилишидан ҳам аввал халқ актёрлари уни Тошкентнинг эски шаҳар бозори майдонида қўйган эдилар.

Муқимий номли театрнинг ижодий коллективи достонни ва музикали драмани қайтадан ўқиб чиқиб, спектакль яратди. Бу спектаклда замонавийлик бўёқлари ана шу постановка анъаналари билан уйғунлашиб кетди.

Муқимий номли театрнинг юбилей спектаклида Лайли ва Мажнун ролларини ижро этиш ёш артистлар — Тошкент театр ва рассомчилик институтининг студенти Меҳри Ҳожиматова билан яқиндагина шу институтни битириб чиққан Меҳмонали Салимовга ишониб топширилди.

Режиссёр, республикада хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Ихтиёров бошчилигидаги ижодий коллектив Лайли ва Мажнун ҳақидаги достонни саҳналаштирди. Спектаклда халқ куйлари ва опера музикаси янграйди.

Янги постановка Муқимий номидаги театрнинг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган байрам программасини безайди.

(ЎзТАГ).

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати — И. Охунбоев номли ўзбек Давлат ёш томошабинлар театри коллективи ўсиб келаётган ёш авлодни ёшлар ҳақидаги энг яхши саҳна асарлари билан таништириб боришда катта ишларни амалга оширмоқда.

Театр етакчи артистларининг Глиэр номли музикали мактаб-интернат тарбияланувчилари билан ўтказган учрашуви Советлар мамлакатининг яқинлашиб келаётган тўйига бағишланди.

Республика актёрлар уйининг катта консультанти М. Раҳимова республикада севимли театр коллективининг босиб ўтган ижодий йўли ҳақида гапириб берди ва йиғилганларни саҳна ижодкорларининг янги асарлари, ижодий режалари билан таништирди.

Долзарб мавзу

Тошкентни боғ-роғлар шаҳрига айлантирамиз

Тошкентликларнинг Ўзбекистон пойтахтини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида иштирок этиши яхши анъана бўлиб қолди. Ана шундай оммавий ҳашарлар туфайли Тошкентда сўнгги йилларда дарахт ва бута лар, гулзорлар бир мунча кўпайди. Улар ёзнинг жазирама иссиқ кунларида соя-салқин ташлаб туради, кўчалар, майдонлар, турар жой массивларининг чиройига чирой қўшади.

Мана шу кунларда ҳам Тошкентда ўрмон ва боғ ойлиги ўтмоқда. Кўкаламзорлаштириш кампаниясида кўплаб меҳнат коллективлари фаол иштирок этмоқда. Мисол учун Чиланзор районини олайлик. Мазкур районда 15 мингга яқин дарахт ва яна шунча бута лар ўтқазилди. Район ободонлаштириш бошқармасининг ходимлари билан бир қаторда ойликда корхоналар, ташкилотлар, ўқув муассасаларининг коллективлари фаол иштирок этмоқда. «Средазнефтегазстрой»нинг 5-қурилиш бошқармаси, «Трансгидромеханизация» ва «Узоргтехводстрой» трестларининг қурилиш бошқармалари шулар жумласидандир. Улар шу кунларда бўлажак дарахтзорлар ва боғлар учун территорияларни тайёрлашмоқда. Орадан кўп ўтмай ана шу дарахтзорлар ва боғлар Халқлар дўстлиги проспекти бўйлаб, «Дўстлик» дам олиш зонасида ва Узбекистон ССР 50 йиллиги номли боғда қад кўтаради.

Шаҳар аҳолисининг ўз кучи билан озодалик ва тартиб ўрнатаётганлиги, уйларнинг атрофини, кўча ва хиёбонларни кўкаламзорлаштираётганлигидан далолат берувчи кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Ўрмон ва боғ ойлигини ўтказиш тўғрисидаги шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорида ҳам ана шундай ҳашарларда тошкентликларнинг кенг иштирок этишлари лозимлиги таъкидланади. Шанбалик ва якшанбаликларни мунтазам ўтказиб туриш, белгиланган барча тадбирларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш корхона ва ташкилотлар, шаҳар ижроия комитети бўлими ва бошқармалари, министрликлар, идоралар, уй бошқармалари, квартал ва маҳалла комитетлари раҳбарларининг вазифасидир.

Шаҳримизда ўтқазилаётган ниҳолларнинг тўла униб чиқиши учун ҳали ҳамма нарса қилиняпти деб бўлмайди. Ўтқазилган дарахтлар кўпинча парваришсиз қолиб, қуриняпти. Мана шунинг учун ҳам бу йилги ойликда кўчат ўтқазиладиган ерларда суғориш шоҳобчаларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур масалани район ободонлаштириш бошқармалари пухта ўйлаб чиқишлари лозим.

Бу йилги ойликнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, шу сафар дарахт ва ниҳолларнинг эман, чинор, Қрим қарағайи, қайин, атиргулларнинг нодир навлари экилади. Улар шаҳримиз иқлимига мос бўлиб, ҳавони мўътадиллаштиради, шаҳар қиёфасини кўркамлаштиради.

Умуман олганда кўкаламзорлаштириш ойлиги пассив ўтаяпти. Масалан маҳаллий саноат бошқармасини олайлик. Ноябрь ойида улар бирорта ҳам дарахт ўтқазишмаган. Савдо Бош бошқармаси, ҳунар-техника таълими бошқармаси ҳамда республика Озиқ-овқат саноати, Соцнал таъминот, аҳолига Маиший хизмат кўрсатиш министрликларида ҳам иш яхши кетаяпти деб бўлмайди. Шаҳримиз қиёфаси манфаатлари ана шу коллективлар учун бефарқ эканлигига ишониш қийин. Ваҳоланки бу йилги кўкаламзорлаштириш ойлиги Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарликнинг босқичларидан биридир.

Узбекистон пойтахтининг бир қатор йирик саноат корхоналарининг бу ишдан четда турганини ҳам ажаблантиради. 1-уйсозлик комбинати, 2-темир-бетон буюмлари комбинати, санитария-техника жиҳозлари заводи коллективлари ҳали бирорта ҳам шанбалик ўтказишмаган. Ҳамза район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарларини эса бундай аҳвол ҳеч ташвишлантираётгани йўқ.

Ўрмон ва боғ ойлигини ўтказиш бўйича район штабларининг раҳбарлари ўз фаолиятларини жонлантиришлари керак. Белгиланган тадбирлар қандай бажарилаётганлигини мунтазам тинглаб бориш, дарахт ва буталар ўтқазишда иштирок этмаётган корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанликни ошириш лозим.

Ҳозир кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш учун айни қулай кунлардир. Шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қабул қилган қарорда ободонлаштириш ишларига аҳолини кенг жалб этиш зарурлиги таъкидланади. Бирорта ҳам меҳнат коллективи, ўқув муассасаси умумхалқ ишидан четда қолмаслиги керак.

Бизнинг иссиқ иқлим шароитимиз учун яшил ниҳоллар бениҳоя катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам кўкаламзорлаштириш ойлигида ҳамма иштирок этиши, Тошкентни боғ-роғлар шаҳрига айлантиришга ҳамма ўз ҳиссасини қўшиши лозим!

ЮКСАК МУКОФОТ

Иқтисодий билимларни пропаганда қилиш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги кўп йиллик фаол ишлари учун Ўзбекистондаги корхоналар, муассасалар, хўжаликларнинг коммунистик меҳнат мактаблари энг яхши пропагандистлари ВЦСПСнинг Фахрий ёрлиқларига сазовор бўлдилар.

Мукофотланганлар орасида «Компрессор» заводи корхона ички транспорт участкасининг бошлиғи коммунист Ҳабибулло Рустамович Дадабоев ҳам бор.



Ушбу суратда КПСС аъзоси, «Компрессор» заводи йиғувчилар бригадаси бошлиғи Сергей Полевни кўриб турибсиз. У бошчилик қилаётган коллектив 1982 йил топшириғини муддатидан илгари бажарди. Ҳозир бригада аъзолари 1983 йил ҳисобига ишлашяпти.

В. Сироткин фотолари.

• Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАЙЛИК

Кузги-қишки мавсумдаги ишларга тайёргарликни назорат қилиш ва Тошкентнинг 2000 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўриш бўйича шаҳар комиссияларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. О. Козимов мажлисга раислик қилди.

Турар-жой ташкилотлари коллективи совуқ кунларга тайёргарлик кўришда бир қанча ишларни амалга оширишди. Лекин шунга қарамасдан ҳамон баъзи уйларда иссиқлик белгиланганидан кўп миқдорда бўлаётганлиги, сабабли аҳоли дераза ларининг форточкаларини очиб қўйишга мажбур бўлишаётганлиги, баъзи турар жой биноларида эса иссиқлик кам миқдорда берилаётганлиги оқибатида ҳамшаҳарларимиз совуқда дийдираб ўтиришга мажбур бўлишмоқда.

Шунинг учун иссиқликни ҳамма ерга бир маромда беришга эришиш керак. Баъзи корхона, ташкилот ва аҳоли газдан хўжасизларча фойдаланишмоқда. Уй-жой комитетлари, жамоатчилик ва активистлар билан биргаликда суҳбат олиб бориб, электр энергия, иссиқ сув, газдан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришлари керак.

Йиғилишда Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш бўйича Навоий, Энгельс кўчалари ва Беруний проспектидаги биноларни қурилиши ва реконструкция ишлари билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам тингланди. Шуни айтиш керакки, Октябрь районида юбилей муносабати билан жуда кўплаб ободончилик ва ремонт ишлари олиб борилади. Фақат Навоий кўчасидаги биноларнинг йиғирма саккизтаси жорий ва капитал ремонтдан чиқарилиши керак. Ваҳоланки, бугунги кунгача атиги бешта бино ремонтдан чиқарилган. Райондаги баъзи корхона ва ташкилотларнинг айби билан эммага олинган топшириқ ўз вақтида бажарилмаётир. «Узгипроводхоз» раҳбарлари институт маъмурий биносини тартибга келтиришга ошиқмаяптилар.

Юбилей билан боғлиқ бўлган ишларга майда-чуйда иш деб қаралмаслиги, унга пухта тайёргарлик кўриш лозим. Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият, намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантиришда ҳаммамиз иштирок этишимиз керак.

телетайп лентасидан

⊙ **ҚОБУЛ.** Афғонистон Халқ-Демократик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар институтида давлат-ҳуқуқ факультети тингловчиларининг битириб чиқиш маросими бўлиб ўтди.

Битириб чиққан 47 киши орасида ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг вакиллари бор, беш тингловчи — деҳқонларнинг фарзандлари бўлиб, улар имтиёзли диплом олдилар.

Бир группа тингловчилар яқинда ташкил қилинган давлат-ҳуқуқ факультетини иккинчи марта битириб чиқишди. Бу факультет юқори малакали мутахассислар тайёрлаб чиқариш мажмуи бўлиб қолди.

⊙ **АНҚАРА.** Савдо-сотиқда «Умумий бозор» жорий этган чеклашдан бу йил Туркия катта зарар кўрди, деди Туркия савдо министри Камол Жантурк. Европа иқтисодий ҳамжамияти (Туркия шу ҳамжамиятнинг қўшиб олинган аъзосидир) Туркиянинг экспорт қилинадиган бир қанча гоят муҳим молларини, жумладан тўқимачилик маҳсулотларини «Умумий бозор» мамлакатларида сотишга тўсқинлик қилмоқда.

Туркия бунга жавобан Гарбий Европада прокат ва металл конструкциялар харид қилишни камайтирди.

⊙ **САНО.** Сано вилоятидаги Хавлан округида иккита янги умумий таълим мактаби ва замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган поликлиника очилди. Бу объектларни очиш маросимига атроф теварагдаги қишлоқларнинг аҳолисидан минглаб киши келди, деб ёзади «Ас-савра» газетаси. Бу ерда водопровод қурила бошланди. У деҳқонларни ичимлик сув билан таъминлайди.

⊙ **АДАН.** Яман Халқ Демократик Республикасида соғлиқни сақлаш системаси кенгайиб, такомиллашиб бормоқда. Яқин вақтгача мамлакатда малакали врачлар йўқ эди, ҳозир эса уларнинг сони 340 кишига, касалхоналардаги ўринлар сони 13 мингтага етди. Мамлакатда касалхона ёки медицина пункти бўлмаган бирорта вилоят қолмади. ЯХДР соғлиқни сақлаш министри Б. А. Букейр ана шу маълумотларни келтириб, мамлакат мустақил ривожланган йиллар мобайнида соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш учун база анча мустаҳкамланганлигини — Адан университетида медицина факультети очилганлигини, соғлиқни сақлаш ходимларига ёрдам институти ташкил этилганлигини, шунингдек халқ соғлигини сақлаш эҳтиёжлари учун сарфланаётган маблағ анча кўпайтирилганлигини таъкидлади.

⊙ **РАБОТ.** Марокаш ҳукумати, деди Марокаш маданият ишлари министри Саид Бин Башир, қонунга хилоф равишда чет элларга олиб кетилган қиммат баҳо тарихий буюмларни ватанга қайтариб келтиришга аҳд қилган. У мамлакат вакиллар палатаси (парламент)да мунозаралар давомида нутқ сўзлаб, бундай талаб биринчи навбатда француз маъмурлари олдига қўйилажагини таъкидлади. Марокаш халқининг бойлиги бўлган тарихий ёдгорлик буюмларини ташиш қоидаларига риоя қилиш устидан контролни кучайтириш ҳақида Марокаш таможня хизмати органларига кўрсатма берялди, деди министр.

(ТАСС).

Мажбуриятларнинг бажарилишини текширамиз

ПЛАН ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Акмал Икромов ва Сергели районлари мусобақаси

Шаҳар статистика бошқармасининг маълумотига қараганда, ўзаро мусобақадош Акмал Икромов ва Сергели районлари шу йилнинг январь-октябрь ойлари учун планлаштирилган ишлаб чиқариш программасини муваффақиятли адо этишди.

Жумладан, Акмал Икромов райони саноати маҳсулот реализация қилиш бўйича мажбуриятни 101,5 процент адо этди ва планга қўшимча 1.491 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Сергели райони индустрияси эса бу топшириқни 101,7 процент адо этиб, қўшимча 2.835 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўстириш суръати районларда 4,2 ва 5,9 процент юксалди. Меҳнат унумдорлигини юксалтириш бўйича план 105,1 ва 102,6 процент адо этилди. Меҳнат унумдорлигини юксалтириш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан районларда 1,4 ва 4,2 процент, ишлаб чиқариш ҳажми эса 1.181 минг сўмлик ва 9.370 минг сўмлик ҳажмида ўсди. Бунда Акмал Икромов райони саноати ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг ҳаммасига, Сергели районида 72,9 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Ҳозир Акмал Икромов районида умумий маҳсулот ҳажмида 2,6 процент буюм, Сергели районида 8,2 процент буюм Сифат белгиси билан тайёрланяпти.

Акмал Икромов районида маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш бўйича ўн ойлик план 99,1 процент, Сергели районида 100 процент адо этилди.

Районларда бир қатор корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмининг 8—10 процент ўсишини таъминлади. Булар «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазгазавтоматика» корхонаси, ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш бўйича тажриба заводи (Акмал Икромов райони), ошхона ва бошқа мебеллар заводи, қуёш тўсқич мосламалар заводи (Сергели райони) каби корхоналардир.

Қурилиш-мотаж ишлари плани (марказлашган молия манбалари) январь-сентябрь ойларида Акмал Икромов районида 89 процент, Сергели районида 93 процент адо этилди.

БУГУН ЙИЛНИНГ ЎН ОЙИ МОБАЙНИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЯКУНИНИ СЕРГЕЛИ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА БЎЛИМИНИНГ МУДИРИ И. ПЕРЕЖОГИН ШАРҲЛАЙДИ:

— Сергели райони меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ва Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, ишлаб чиқаришдаги мавжуд резервлардан фойдаланиш бўйича маълум ишларни амалга оширдилар ва ўн ой мобайнида социалистик мажбуриятларга қўшимча 85 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. «Ўзбекистон» сунъий ва табиий кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси илғор коллективлар қаторига киради. Бу корхона коллективи 6 ноябрда беш йилликнинг икки йили планини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Бу корхонада моддий хом ашё ресурсларини тежаш бўйича яхши ишлар қилинди, янги кўн маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Электромеханика заводида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баравар ўсди.

Ёғочни қайта ишлаш заводи ишлаб чиқариш программасини муваффақиятли адо этяпти. Бу корхона ўз маҳсулотларини қишлоқ жойларга, жумладан, СССРнинг Озиқ-овқат программасига мувофиқ ишга туширилаётган объектларга юбораяпти. Йил бошида бу корхонада Сергели райони директорлари кенгаши бўлиб ўтди. Унда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш масаласи муҳокама қилинди. Ўшанда ёғочдан тайёрланган ошхона буюмларининг дастлабки намуналари кўздан кечирилган ва уларни ялпи ишлаб чиқаришни жадаллаштириш вазифаси қўйилганди. Шундан бери нима иш қилинди? Қисқа муддатда корхона 6 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари тайёрлади.

Қурилиш ташкилотлари орасида республика қурилиш министрлигининг 4-трестига қарашли 165-кўчма колонна коллективи яхши натижаларга эришди. Ўн ой мобайнида у бутун куч ва имкониятларини ишга солиб меҳнат қилди ва 18 ноябрда муддатидан аввал йиллик программани бажариб, СССР 60 йиллигига бағишланган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этганлиги ҳақида рапорт берди.

Мен мусобақа илғорларининг номларини айтиб ўтишни истардим. Улар ҳаммаси календарь вақтидан анча ўзиб ишлашяпти. 4-автобус парки ҳайдовчиси Г. Хвалько, Л. Зельмер, Н. Мельникова, П. Лисенков бошлиқ қурувчилар бригадалари ҳозирнинг ўзида 1985 йил ҳисобига меҳнат қилишяпти. Сергели мебель бирлашмасида 16 бригада, 215 ишчи ноябрь ойининг биринчи кунларида йилга якун ясашди.

Афсуски, районнинг ҳамма коллективларида ҳам иш кўнгилдагидек деб бўлмайди. Шундай коллективлар ҳам борки, улар юксак социалистик мажбуриятлар олиб, уни бажаришмайди. Жумладан, транспорт қурилиши министрлигининг темир-бетон конструкциялари заводи ўн ой мобайнида мажбуриятдагидан 67 минг сўмлик кам маҳсулот берди. Бу ерда моддий-техника таъминоти юқори даражада эмас, цемент, металл каби зарур материаллар кўпинча бўлмайди, ускуналар эскиб қолганлиги учун ишлаб чиқариш ҳажми суръати пасайиб кетди. Ҳозир заводда реконструкция ишлари амалга ошириляпти. Лекин бу ишни амалга ошираётган «Средазтрансстрой» трести мунтазам иш графигини бузяпти. Масалан, декабрь ойида бетон қориш мосламаси ишга туширилиши керак. Аслида уни монтаж қилишга эндигина киришилди.

Резина-техника буюмлари заводи ўз мажбуриятларидан 17 минг сўмлик орқада қолди. Бу ерда ҳам реконструкция ишлари жуда секинлик билан амалга ошириляпти. «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж бирлашмаси бу объектда ой сайин планни зўрға 30-36 процент адо этяпти. Учинчи кварталда сув таъминоти системасини ишга тушириш керак эди. Лекин бу система ишга туширилмади.

Ўн ой мобайнида завод ишлаб чиқариш ҳажми бўйича планни 11 минг сўмликка бажараолмади.

Айниқса, «Вторчермет» областлараро бошқармаси қийин аҳволда қолди. Реализация планига нисбатан бу ерда 1436 минг сўмлик маҳсулот берилмади. Мамлакатнинг металлургия комбинатлари эса темир-терсакка жуда зўр эҳтиёж сезяпти. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида ўтган йили ҳам план бажарилмаганлиги, бу йил ҳам қора металлургия план топшириқларини бажара олмаслиги кўрсатиб ўтилди. Халқ хўжалигига бир неча миллион тонна прокат етказиб берилмади.

Область бошқармасининг қониқарсиз ишлаши биринчи навбатда меҳнат ва план интизоми пастлиги, ускуналардан самарали фойдаланилмаслик натижасидир. Бундан ташқари темир йўл вагонлари етишмаётганлиги ҳам салбий таъсир кўрсатяпти.

...Агар йил бошида ҳали олдинда вақт бор деб хотиржамликка берилиш мумкин бўлган бўлса, энди бунинг имкони йўқ. Маррага оз қолди. Бутун имкониятларни ишга солиб меҳнат қилиб, Советлар мамлакатининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш лозим.



Тошкент трактор заводи коллективи СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун самарали меҳнат қилмоқда. Корхона ишчилари қишлоқ хўжалиги учун кўплаб трактор ва прицеплар тайёрлаб бермоқда.
СУРАТДА: тайёр тракторларни юклаш майдонида.

Бригада пудратига—кенг йўл

Қимирлаган қир ошар

Дарвоқе, коллективнинг меҳнат жараёнида янгидан-янги зафарларга эришишининг боиси нимада! Бунга эришмоқ учун нималарга эътибор бериш керак! Ютуқлар соясидаги айрим ҳолларда юз берадиган камчиликларни қандай бартараф этса бўлади! Бу саволларни пойтахтимиздаги 2-уйсозлик комбинатига қарашли 25-қурилиш бошқармаси раҳбарлари қўллаган тажриба мисолида ечишга ҳаракат қиламиз.

Бу қурилиш бошқармаси илгари план-топшириқларини бажармай доимо орқада қолар, энг қолоқ коллективлардан бири ҳисобланарди. Бошқарма раҳбарлари ҳам тез-тез ўзгариб турар, кадрлар қўнимсизлиги авжида эди. Ҳатто ишчилар бутун бошли бригада аъзолари билан бирга ишдан бўшаб, бошқа қурилиш бошқармасига ўтиб кетишарди. Бунинг сабаби нимада эди? Балки ишчилар моддий ва маънавий манфаатдор эмасдир?! Ёки бошқа сабаби ҳам бордир?! Ҳар нима бўлганда ҳам бу ерда ишчилар ўз ҳолига ташлаб қўйиларди. Улардан деярли ҳафта давомида хабар олинмас, қурилиш материаллари етказиб берилиши ҳам ўлдажўлда эди. Фақат йил якунланиши арафасида раҳбарларнинг дўппилари тор келиб, «ҳа бўл, ҳа бўл!»га тушиб қолишарди. Ана ўшандан кейингина югур-югур бошланарди.

Ҳозирги пайтда ишчи ўз қадрини жуда яхши билади. Айрим раҳбарларнинг «шароитни тўла яратаман, фалон сўмдан пул тўлайман» деб гердайиб айтган сўзларига қулоқ тутмайди. Эндиликда улар том маънодаги ҳақиқий ишчига айланишган. Уларни кундалик воқеалардан хабардор қилиш, сиёсий машғулотларга жалб қилиш керак. Бир сўз билан айтганда, бошқаришда коммунист раҳбарнинг чин сўзи бўлиши керак. Сансалорлик, манманлик каби иллатлар бошланган ишни фақат орқага судраши мумкин. Яна бир гап: ҳар бир ишда принципиал бўлишга одатланганмиз. Аниқ график асосида меҳнатни ташкил қилиш, план-топшириқларни ошириб бажарилишини мунтазам назорат қилиб бориш — шу куннинг долзарб вазифасига айланган. Ҳатто шахсий комплекс планлар ҳам рўёбга чиқмоқда. Буларнинг бари қозонилажак муваффақиятларнинг замини эмасмикан?...

Ваъдабозлик ҳам ёмон иллат. Қуруқ гаплардан амалий ишга ўтиш пайти ҳозир. Социалистик мусобақа шартларини кузатиб бориш ҳам муваффақият гаровидир. Фақат уни яхши уюштира билиш керак...

Бундан уч йил олдин Почуканец қурилиш бошқармасига бошлиқ қилиб тайинланди. У ишни шундай оқилона ташкил қилдики, натижада ҳатто «ҳунар» кўрсатиб кетиб қолган ишчилар ҳам қайтиб кела бошлашди. Бошлиқ ҳамма ишларни партия ва комсомол комитетлари билан ҳамкорликда олиб борди. Олдин коммунистлар иштирокида мажлис ўтказилди. Хуллас, ҳаммага масъулият юкланди. Четда томошабин бўлиб қараб турувчиларга бутунлай барҳам берилди. Орқада қолувчиларга ҳам қатъий чора кўриладиган бўлди. Масалан, планни бажармадингми, деворий газетага боплаб ҳажв қилишади, парткомда муҳокама бўлади. Қолоқ ёшларга «Комсомол прожектори» ўзининг ўткир тиғини санчади. Илғорлар эса моддий ва маънавий томондан рағбатлантирилиб борилди, уларга кенг оталиқ ёрдами кўрсатилди. Шуларнинг бари бошқармада муваффақиятлар калитини очди...

Ҳозир техника даври. Ундан унумлироқ, самаралироқ фойдаланиш учун, уни янада такомиллаштириш учун курашиляпти. Фойдали рационализаторлик таклифлари қабул қилинаяпти. Кўп ҳолларда жанговар шиорлар ҳам шубҳасиз ишчининг меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилади. «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик!» шиори бошқармада ҳар ҳафтада якунланиб борилади. Ғолиб бригадалар рағбатлантирилади, қолоқларга қарши чора кўрилади.

«Бирликда — ҳикмат кўп», — дейди халқимиз. Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар. Белгиланган объектлар айнан аҳиллик, бир-бирини қўллаш натижасида муддатидан олдин фойдаланишга топширилаётир. Бошқармада ҳали имконият ва резервлар тўла ишга туширилмаган томонлари ҳам бор. Бу каби мураккаб масалалар активлар билан бирга бамаслаҳат амалга оширилаётир.

Тежамкорлик кўп жиҳатдан ишчининг эҳтиёткорлик билан ишлашига боғлиқ. Давлат мулкини кўз қорачиғидай асраш, унга оқилона муносабатда бўлиш каби юксак фазилатлар уларнинг виждон бурчига айланган. Масалан, меъёрида бўлган 4 килограмм шпаклёвка бутун бошли битта хонани бўёқдан чиқариши мумкин. Ёки тўртта мих эгилмасдан тўғри ишлатилса, 2,5 метрлик тахтани мустаҳкамлайди. Бошқармада буни ҳам ҳисобга олишган. Энг муҳими зарур маҳсулотни чиқиндига чиқармаслик.

Бошқарманинг учта бригадаси бажараётган бунёдкорлик ишлари айниқса таҳсинга лойиқ. Айнан коллективлар бошқарма қучаётган катта меҳнат муваффақиятларига салмоқли улуш қўшаётир. Айнан ўша коллективларнинг объектдаги меҳнат интизоми яққол кўзга ташланиб туради. Улар ҳамиша тоза, сифатли қуришга одатланишган. И. Нишонов дурадгорлар саркори. Нияти холис бўлган йигит бош бўлган коллектив бир тан, бир жон бўлиб СССР ташкил топган куннинг 60 йиллик тўйини меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар қучиш билан кутиб олмоқда. Ислом аканинг шахсан ўзи 50 дан ошиқ пойтахт қурилиши объектларида фаол иштирок этган. Етарли тажрибага эга. Ишнинг кўзини билади. Шу жиҳатдан бўлса керак, бошқармада катта обрў-эътибор қозонган. Ҳозирда улар Хадра майдонидаги тўққиз қаватли турар жой биносини тезроқ фойдаланишга топшириш учун самарали меҳнат қилишмоқда.

В. Савельева билан О. Раҳмонов бошчилик қилаётган пардозловчиларнинг амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари ҳам чакки эмас. Йил бошидан бери бу икки ҳамкор коллектив 10 та турар-жой биносини аъло кўрсаткич билан фойдаланишга топширишга муваффақ бўлди.

* * *

Чиндан ҳам пардозлашга ихтисослашган 25-қурилиш бошқармасида тайёр объектларни сайқаллашда аниқ графикка риоя қилинмоқда. Пухта режа асосида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари шубҳасиз яхши натижалар бераётир. Ойлик квартал план-топшириқлар ортиғи билан уддаланди. Энди навбат ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини ҳам муваффақиятли якунлашга қолди. Йил бошида қабул қилинган социалистик мажбуриятлар тез орада шараф билан бажарилади. Бошқарма коллективи қўлга киритаётган меҳнат муваффақиятларининг боиси ишни оқилона ташкил қилиш, бригада пудрати методига ўтиш, қисқаси топширилган вазифани виждон амри билан бажаришдадир...

Ш. МАШАРИПОВ.

• *Резервлар—ишлаб чиқаришга*

БИНОКОРЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Шаҳар қурилиш, бинокорлик индустрияси ва лойиҳа институтлари бошланғич партия ташкилотлари секретарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси кенгаш раиси, 11-«Висотстрой» трести партия комитетининг секретари В. Дорохов раислигида бўлиб ўтди.

«Уй-жой қурилишига партиявий таъсирни кучайтириш, коллективларни 1982 йил планлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришга сафарбар этиш бўйича қурилиш партия ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий ишлари тўғрисида» шаҳар партия комитети ташкилий бўлимининг инструктори Е. Прудников доклад қилди.

Беш йилликнинг иккинчи йили ниҳоясига етишига бир ой қолди. Бинокорлар қолган вақтда катта ҳажмдаги ишларни бажаришлари: шаҳарнинг ишлаб чиқариш потенциалини оширишни таъминловчи муҳим объектларни, маданий-маиший йўналишдаги бино ва иншоотларни фойдаланишга топширишлари лозим. Бу йил учун белгиланган бир миллион квадрат метр турар жойларни ишга тушириш юзасидан кўп иш қилиш керак. Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун резервлардан тўла фойдаланиш, меҳнат ва ижро интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, коллективларда партиявий таъсирни кучайтириш зарур. 1-ва 2-уйсозлик комбинатларининг партия ташкилотлари ана шу йўналишда катта ишлар қилишяпти. 1-уйсозлик комбинатида қўшимча иккита партия группаси ташкил этилди ва 26 партия ташкилотчиси тасдиқланди. Бу бригадалардан 70 процентини партиявий таъсирга жалб этиш имконини берди. 2-уйсозлик комбинатида 28 партия ташкилотчисининг тасдиқланиши ҳам бригадаларда партиявий таъсирни анча кучайтиришга ёрдам берди. Натижада турар жойларни қуриш ва пардозлаш ишларини яхшилаш имконияти туғилди.

Айни пайтда кенгаш мажлисида таъкидландики, қатор қурилиш трестларида, жумладан «Жилстрой», 2-пардозлаш, 8, 6, 12-трестларнинг кўпгина бригадаларида партиявий таъсир етарли даражада эмас. Бу иш яхшиланиши лозим.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда 153-қурилиш трести партия комитети секретари Ш. Ҳикматов, «Ташсантехгазмонтаж» трести партия комитети секретари Ҳ. Жумаев сўзга чиқдилар. Кенгаш аъзолари қурилиш ташкилотларида партиявий таъсирни кучайтириш, бинокорларни ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили план ва мажбуриятларини бажаришга сафарбар этиш, СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилган тадбирлар белгиладилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин иштирок этди ва сўзга чиқди.



КПСС аъзоси Нури Қораева 10 йилдан бери бадиий буюмлар фабрикасида меҳнат қилиб келади. Бу илғор тикувчи-мотористка топшираётган маҳсулот ўзининг сифатлилиги билан бошқалардан ажралиб туради.

СУРАТДА: Нури Қораева иш устида.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.



СУРАТДА: шаҳримиздаги электр аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиси КПСС аъзоси Малика Мамановани кўриб турибсиз. Бу пешқадам ишчи ойлик планларини ҳамиша ортиғи билан адо этади.

Э. Муҳамедов фотоси.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Урганчдаги 117-ҳунар-техника билим юртида бадиий каштачилик санъати ўргатила бошлади. Бу ерда маҳаллий саноат корхоналари— Хива палос фабрикаси ва Хива бадиий совға буюмлари фабрикаси учун каштачилар тайёрлана бошланди. Билим юрти ишчи кадрларни тайёрлаб берувчи ҳақиқий масканга айланди. Ҳозир ҳунар-техника билим юртининг битирувчилари шаҳар корхоналарида ишлаётган меҳнаткашларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этмоқда.

* * *

Термиз қишлоқ хўжалиги техникуми талабалари янги ўқув корпусига эга бўлдилар. Уч қаватли бинода 600 ўринли кенг аудиториялар, мажлислар ва спорт заллари, лабораториялар бор. Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлигининг 11-трести қурувчилари корпусни бунёд этдилар.

* * *

Тўрақўрғон районидаги Оқтош посёлкасида тош ва қум қазиб чиқариш ва қайта ишлаш каръери ишга туширилди. Корхона автоматлаштирилган режимда ишламоқда. Биргина оператор тош майдаловчи машиналар ва қум элаш агрегатларини пультдан туриб бошқармоқда. Каръер йилига 500 минг куб метр шағал ва қум етказиб беради. У Наманган «Облсельстрой» трестининг барча қурилиш майдончаларини мана шу бинокорлик материалларига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлайди.

(ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

ИШОНЧГА ЯРАША

Тошкент кўн ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида асосан ёшлар меҳнат қилишади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган чевар тикувчи Муқаддас Юнусовани бу ерда деярли ҳамма танийди. Ўз меҳнати туфайли обрў-эътибор топган, коллектив ишончини қозонган бу қизнинг номини ҳамиша ҳурмат билан тилга олишади.

Муқаддас ўрта мактабни битирди-ю, ўзи ёшлигидан меҳр қўйган тикувчилик касбини танлади. У Тошкент кўн ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга келди. Дастлаб иш ўрганиш, янги коллективга кўникиш унга анча оғир бўлди. Тиришқоқлик, мураббийларининг меҳнат жараёнидаги ютуқларини зийраклик билан илғаб олиш, ҳаммасидан ҳам севиб танлаган касбига бўлган қизиқиш уни барча синовлардан муваффақият билан олиб ўтди. Бирлашмада катта кучга айланган социалистик мусобақага қўшилди. Кунлик, ойлик планларни ортиғи билан бажара бошлади.

Муваффақиятларга қийинчиликларсиз эришиб бўлмайди, албатта. Ҳаётдаги ҳар бир ғалаба тинимсиз меҳнат, ижодий изланишларнинг самараси сифатида вужудга келади. Ўз устида доимий ишлайдиган, хушмуомала, коллективдагилардан ўзининг ёрдамини аямайдиган, изланувчан бу қизни 1979 йили Коммунистик партия сафига қабул қилдилар. Унга жуда катта масъулият, ишонч юклаган, чексиз бахтиёрликка сабаб бўлган ўша кун Муқаддаснинг ҳаётида, меҳнат фаолиятида ёрқин саҳифа бўлиб қолди. Тикувчи қизни юксак парвозлар сари илҳомлантирди.

Яқинда Муқаддас ва унинг уч ҳамкасб дугонаси Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи шарафига меҳнатни ташкил қилишнинг ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасига ўтиш ташаббуси билан чиқишди. Уларнинг бу ташаббуси Октябрь район партия комитети томонидан қизғин маъқулланди.

Муқаддас меҳнат қиладиган 5-цехда асосан эркаклар қўлқопи ишлаб чиқарилади. Цех коллективи ўн ойлик планни ошиғи билан адо этди.

Муқаддасдан бу муваффақиятларнинг сири нимада, деб сўрадик.

— Сири шундаки, биз цехимизда қолоқларсиз ишлашга эришяпмиз, дейди у,— ишчиларимизнинг ҳаммаси худди бир оила фарзандларидек бир-бирига ёрдам бериб, аҳил меҳнат қилишади. Меҳнатни интенсивлаштиришнинг формаси—кўп станокчилик ҳаракатини ёйганмиз. Жиҳозлардан унумли фойдаланиш, мусобақанинг шонли анъаналарини давом эттириш, олинган мажбуриятларни бажариш учун юксак масъулият ҳисси ютуқларимизга омил бўлмоқда. Шаҳримизнинг шонли юбилейига бағишланган ташаббус бирлашмамизда кенг ёйилди. Йигирмага яқин бригада шу методга ўтиб меҳнат қиляпти.

Бу методнинг афзаллик томонлари ҳақида фабрика касаба союз комитетининг раиси Комилжон Солиҳов шундай ҳикоя қилади:

— Биринчидан, меҳнат интизоми мустаҳкамланади, қолоқларсиз ишлашга эришилади. Иш унуми билан сифат биринчи планга чиқади. Мана шу методнинг ташаббускорлари Муқаддас Юнусова, Нина Завиряина, Шоира Холмуҳамедова, Валентина Хорошевскаялар умуман браксиз ишлашга эришяптилар.

Ҳозирда мусобақанинг ҳаётбахш нафасидан, унинг таъсарчан кучидан баҳраманд бўлмаган бирор коллективни топиш қийин. Бирлашмада ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. Бригадалар, цехлар, потоклар ўртасида кўчма Қизил байроқ, пул мукофотлари таъсис этилган.

ВЛКСМ XIX съезди делегати Муқаддас Юнусова ўн ойлик мусобақада ҳам ғолиб деб топилди. У ҳозир 1984 йил март ойи ҳисобига меҳнат қиляпти. Ҳаракатларида шижоат, дадиллик сезилиб турадиган бу ўктам қизнинг келажак планлари улкан. У бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажаришга аҳд қилган. Корхона коллективи Муқаддасга ишонади. Коллектив ишончи— юксак бахт.

И. ОЧИЛОВ.

ОЛДИНДА ЯНГИ МАРРАЛАР

Бухоро область Газли районида барпо этилган янги совхоз Юрий Гагарин номи билан аталди. Хўжалик чорва учун дон ва ем-хашак етиштириш, қора мол боқишга ихтисослашган.

Газли райони ҳали ёш, у ташкил этилган кунга ярим йил ҳам бўлгани йўқ. Район Советининг бўлиб ўтган биринчи сессиясида депутатлар биринчи навбатдаги масалалар қаторида дашт ерларни ўзлаштириш борасидаги ишларнинг аҳволини, бу ерларда экин экишни биринчи навбатдаги масалалар орасида муҳокама қилдилар. Дон ва озуқа экинлари етиштириладиган мавжуд яйловларни кенгайтириш ва шундай янги майдонларни яратиш, каналлар, уй-жойлар, маданий-маиший объектлар қуриш конкрет чоралари ишлаб чиқилди.

Чорвачиликнинг янги катта бир зонаси барпо этилмоқда. Ҳозир районнинг қоракўлчилик хўжаликларида чорак миллион бош қўй ва эчки бор. Беш йиллик охиригача уларнинг сони ярим миллионтагача етказилади. Қора мол подасини ўн баравардан зиёд кўпайтириш, чўчқаларни 400 бошдан ўн минг бошгача етказиш мўлжалланмоқда. Туялар боши уч баравар кўпайтирилади.

— Олдимизда турган вазифалар осон эмас, — дейди Газли район ижроия комитетининг раиси А. Ғуломов. — Районда чорвачиликни ривожлантириш бир қанча катта-катта тадбирлар бажарилишини тақозо этади. Аввало мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилмоғи лозим. Еримиз яхши— сув ва ўғит етарли бўлса бас. Биз янги ариқлар оча бошладик, бўлгувчи Газли магистрал канали трассасида ишлар шитоб билан олиб борилмоқда.

Районда яйловларни яхшилаш ва кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Саксовул ва изен ўтказилмоқда, чорва боқиладиган майдонларга ғов қўйилмоқда. Беш йиллик охиригача 30 минг гектардан кўпроқ яйловга ғов қўйиб чиқилади. Қудуқлар қазилмоқда, артезиан қудуқлар пармаланмоқда.

Газлида ихтисослаштирилган сабзавот-мева хўжаликлари ҳам вужудга келтирилмоқда. Бу хўжаликларда сабзавот майдони, боғ, токзорлардан ташқари шарбат ва бошқа маҳсулот тайёрлайдиган заводлар ҳам бўлади. «Газлинефтегазодобича» бирлашмаси ишчилар таъминоти бўлимининг меҳнаткашлари эса шаҳар атрофида «Газли» совхозини барпо этмоқдалар. Бу совхоз газчилар, нефтчилар, қурувчиларни гўшт, сут, сабзавот, хўл мева билан таъминлаб туради.

Ёш район меҳнаткашлари олдида кўпгина вазифалар турибди. Лекин улар ҳамма проблемалар ҳал этилиб, озиқовқат программасини бажаришга муносиб ҳисса қўша олишларига аминдирлар. Хўжаликлар зарур ҳамма нарса билан таъминланган, янги машина-ускуналар илмфан ютуқлари билан қуролланган. Ҳозирги вақтда газ ва нефть конлари билан машҳур Газли райони орадан бир мунча фурсат ўтгач, республиканинг ҳар томонлама ривожланган агросаноат районларидан бири бўлиб қолади.

(ЎзТАГ).

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОКШОМИ

2 ДЕКАБРЬ, 1982 й.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

Ота-онага ҳурмат ва итоат энг эзгу амалдир.

(Ҳикмат).

Яхши фарзанд — дилга пайванд

Ота-она фарзандни катта орзу-умидлар билан вояга етказади. Емай-едириб, киймай-кийдириб, ардоқлаб ўстиради. Катта бўлганда қоқилмасин деб ўқитади, ҳунарли қилади. Фарзандининг хушхулқ бўлишига даъват этади, ёмон йўлга юрмасин деб жонсарак бўлади. Бўйга етганда бахтини ўйлайди, ниҳоят, қизини тенгига узатиб, ўғлини муносибига уйлаб, кўнгли тинчийди. Шу зайл кексайиб қолганини ҳам билмайди.

Болаларидан тинган, оқибат кўрган ота-она кексалигини ҳузур-ҳаловатда ўтказади, болалари паноҳида пири-бадавлат яшайди. Бироқ, ҳар тўкисда бир айб, деганларидек, ота-онани бола деб тортган машаққатини қадрламайдиган айрим кўрнамак фарзандлар ҳам учраб туради. Уларнинг тушунчасида бу «машаққат»лар шунчаки ота-она вазифаси эмиш. Тўғри, фарзанд кўргач уни боқиш, келажаги учун қайғуриш, катта бўлганда уйли-жойли қилиб қўйиш ота-онадан лозим. Лекин фарзандни дунёга келтириб, бир парча этдан тарбиялаб, вояга етказган ота-онанинг ҳам ўз орзу-ҳаваси бор-ку! Ҳар бир инсон яхши ният билан уй-жой қилади, бола-чақа боқади. Унинг ҳузур-ҳаловатини кўрсам, қариганда таянчим, қувончим бўлса дейди.

Аммо қўлидан иш келадиган бўлганда ўзбошимчалик кўчасига ўтиш одобдан эмас. Бу ота-онага ҳурматсизлик. Ота-она фарзандига ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайди. Тўғри, айрим масалаларда улар эътироз билдирсалар, бунинг сабаби бордир. Уларнинг ҳаёт тажрибаси кўп, кўзи ўткир. Ўғил-қизим бахтсиз бўлиб қолмасмикан деган мулоҳазага боришади. Ёшлар буни ўзларича тушунадилар. Куни келиб ота-оналари ўшанда ҳақ эканини биладилар. Аммо вақт ўтган бўлади...

Баъзан ота-она ноҳақ ҳам бўлиши мумкин. Бу тушунмовчилик орқасида содир бўлади. Яхшиси, бу ҳолда ёшлар одоб юзасидан оғир бўлишлари, мақсадларини ётиғи билан, айтишлари ёки бообрў кишиларни ўртага қўйиб ишни яхшилик билан битирсалар нур устига аъло нур бўлади.

Жаҳолат, ўжарлик кўчасига ўтиш яхшиликка олиб келмайди. Ота-она билан фарзанд ўртасига совуқчилик тушади, ортиқча гап-сўз тарқалишига сабаб бўлади.

Яхши фарзанд ҳар қандай ишга қўл уришдан олдин ота-она ризолигини олишга интилади. Ота-она билан ҳисоблашган фарзанд ҳаётда қоқилмайди, иши ўнгидан келади, омад кулиб боқади. Ота суйганни — эл суяди, дейишади.

Кишининг ёши улғайиб белидан қуввати, кўзидан нур кетиши билан кўнгли нозиклашиб қоларкан. Дилидан кўп нарсаларни ўтказаркан-у, уддасидан чиқолмай афсусланаркан. Шу боисдан ҳам ўғил-қизга муҳтожлик сезиларкан. Фарзандлар ота-оналари кексайиб, куч-қувватдан қолаётганлари, кўнгиллари нозиклашиб бораётганини тушунишлари, уларга иложи борича ғамхўрлик кўрсатишлари ҳам қарз, ҳам фарздир. Мапиратхон опа ёшлигини болалари бахтига алмашди. Умид билан ўнта фарзанд ўстирди. Ўқитди. Меҳнатда чиниқтирди. Одобига қаради. Ҳаммаси илм-ҳунарли бўлишди. Онанинг меҳнати зое кетмади. Ўғил-қизлари боодоб, она ҳурматини жойига қўядиган болалар бўлишди. Ака-ука, опа-сингиллар бир-бирига меҳрибон, оқибатли. Қайнона-келинлар она-боладек яшашади. Овсинлар ўзаро аҳил, бири-бирини ишини қилиб, болаларини боқишиб кетаверишади. Қут-барака, бахт-саодат шу оилага кулиб боққандек!

Катталар бу хонадонда иззатда, ёшлар хизматда. «Қари билганни — пари билмас», «Қари бор уйнинг — зари бор», — дейишади.

Кўнгилни кенг тутиш, ёшлар дилини тушуниш, хатосини яхшилик билан «болам», «бўтам» деб тузатиш, келинга ўз фарзандидек қараш — оила бахти, она қувончининг асосий омилидир. Она фарзандларидан минг бор хурсанд. Сўзларига эътибор беринг-а?

— Шукур, ўғил-қизларим, келин-куёвларим бири-биридан яхши, ҳурматимни қилишади. Ҳар нарсанинг олди, яхшисини менга аташади. Болаларидан ўзларига ҳам қайтсин!

Келини Маъмурахон ҳақида қайнона оғзидан бол томиб гапирди:

— Каттам барака топкурнинг ўзи бошқача. Очиқ, дали-ғули, борини аямайди. «Ойижон, ойижонлаб» эси кетади. Болаларимга туққан онасидек меҳрибон, қўлимга ёш келин бўлиб тушди. Аввалига техникумда, кейин институтда ўқиди. Онаси йўқ, ўксинмасин, дедим. Болаларини боқдим. Ишлаб ўқиса ҳам, уй ишларини эплади, чаққон бўлди. Бирор марта «сан»-«манга» борганимизни билмайман... Ҳозир олти қиз чиқариб, тўрт ўғил уйлантирдим. Ўзи бўладими? Ҳар қалай бош ўғил, болам отаси йўқлигини билдирмасликка тиришади. (Гап катта ўғил Ҳасан Убайдуллаев ҳақида боради. Олий ўқув юртларидан бирида ўқитувчи). Ўғлим, келиним билан бамаслаҳат кам-кўстни битирамиз.

Кичикларим опа-акаларини сийлашади. Уларнинг маслаҳатисиз бирор ишга қўл уришмайди. Барака топишсин. Укалари оёққа тургунча озмунча меҳнат қилишмади. Ҳамиша аҳил бўлинглар, ака-укалар бир-бирининг кунига ярайди, деб гапириб тураман. Бирининг иккинчисига меҳрини иситишга уринаман. Қайси бири бирор нарсадан муҳтожлик сезса, ўшанинг ҳолидан хабар олдираман. Гапимни икки қилишмайди. Болалар ҳам шунга ўрганишган.

Фарзандлар меҳригиёсидан ёшарган онахонга ҳавас қилдик. Ҳамманинг фарзанди ҳам шуларникига ўхшасин деб ният қилдик. Мапиратхон аянинг қувончини, ўғил-қизлари, келин-куёвлари яхши, бир-бирига меҳрибон — оқибатлилигини бир мисолда гапириб бермоқчиман.

...Кутилмаганда кичкина қизи (беш фарзанди бор) авариягa учраб, ҳаёти хавф остида қолади. Опа-сингил, ака-укалар оёққа туришади. Кўп шифокорларга мурожаат қилишди. Не-не доридармонларни топишди. Ўртада ташвиши зиёда онадан хабар олишди, унга тасалли беришди. Ўша кезлари келини Маъмурахон тоза елиб-югурди. Овсинлари бемор опаларининг уй-жойи, болачақасидан хабар олиб туришди. Дунёда инсон меҳридан зўр нарса йўқ экан! Сожидахон бир неча ой деганда тузалиб кетди.

Ниҳоят уни яна умидли уйи, севикли ёри, отасидек меҳрибон қайнотаси ёнида, бири-биридан ширин ўғиллари бағрида кўришиб шукур қилишди, севинишди...

Сожидахоннинг қалбида жигарлари (опалари: Назокат, Латофат, Инобат, Зуҳра, Кифоятхонлар, акалари Ҳасанхон, Жунайдилло, укалари Набижон, Нурилло), яхшиларга аталган яхшиликнинг қати бузилгани йўқ...

Ота-онани ризо қилиб эл-юртда азиз бўлган ўғил-қизни ҳамма суяди. «Баракалла, асл ота ўғил экансиз!», «Отангизга раҳмат!», «Кам бўлманг», «Мартабангиз улуғ бўлсин!» деган яхши истаклар билдиришади.

Чиндан ҳам ота-онасини қадрлаган, оиласини севган, катта-кичикнинг ҳурматини ўрнига қўйган ҳар бир инсон одамлардан раҳмат эшитади, обрў-эътибор топади, бахтли бўлади. Ота-онасига фарзанд нимаки қилса, ҳаётда ўз болаларидан шундай мева олади. Шунинг учун ҳам доно халқимиз «Ҳар ким экканини олади», дейди. Бу ҳикматни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмасин!

Ойшахон ТЎРАЕВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти, педагогика фанлари кандидати.

Пиёзни қизартириш шартми?

Сўраган экансиз

Баъзи кишилар овқатни қизартириш учун пиёзни қовуриб, қизартириб юборишади. Нега шундай қилинади, овқатни томат ёки помидор солиб қизартирса ҳам бўладику! Пиёз ўта қизартирилганда ундаги фойдали моддалар йўқолиб кетмайдими!

Рустам УМРЗОҚОВ. Октябрь районидаги «Навза» маҳалласида истиқомат қилувчи пенсионер.

Маълумки, дастурхонга тортиладиган тайёр таомнинг чиройли, рангдор бўлиши катта аҳамиятга эга. Айниқса, палов дамлаганда ошпазлар турлича паловларнинг ранги ҳар хил бўлиши учун ҳаракат қилишади, чунончи ивитма паловнинг ранги оқ, зарчава паловнинг туси сапсариқ, коваток паловники яшилроқ, қовурма палов эса қип-қизил қилиб пиширилади. Паловларнинг тури тайёрлаш технологияси, рецепти ва лаззати билангина эмас, безаги билан ҳам бир-биридан ажраб туриши зарур.

Қовурма палов ёки фарғонача палов албатта қизил бўлиши керак, бунинг учун қовурилган пиёздан фойдаланилади. Чунки пиёзда 8 процентгача шакар моддаси бўлиб, қовурганда шакар карамелга айланиб қизил ёки жигарранг тусга киради. Сув қуйиб қайнатиш жараёнида карамель эриб, оқ гуручни қизил тусга бўяйди. Гуручнинг таркибидаги оқ пигмент модда ҳар хил кислоталар таъсирида ҳам ишқаланиб, сариқ ёки қизғиш тус олади. Шунинг учун Андижон, Наманганда паловга помидор ёки томат солиб ҳам пиширадилар. Лекин помидор билан томатни фақат «девзира» навли гуручдан палов дамлаганда қўшиш керак, бошқа навдаги гуручлардан ош дамлаганда эса ланж бўлиб қолади. Шу сабабли Фарғона водийсидан (бу ерда «девзира» экилади) бошқа жойларда паловга томат ёки помидор солиб пишириш одат эмас.

Тошкентда «чойхона палов»ларнинг технологиясидаги асосий жараёнлардан бири ҳам доғланган ёққа гўштни эмас, аввал пиёзни солиб шиғил қилиб қовуришга асосланган. Шунда палов қип-қизил бўлиб чиқади.

Пиёздаги фойдали моддалар қовурилганда ғойиб бўлиб кетмайдими?» — деган масалага келганимизда, «йўқ» деб жавоб бериш керак. Айниқса, ёғда эрувчи А ва Е белгили дармондорилар учун қовуриш жуда қўл келади. Қовурганда яна пиёздаги аччиқ эфир моддаси ўзгариши ҳисобига таом лаззатли бўлади.

Сўнгра пиёз шундай бир неъматдирки, унинг таркибидаги фойдали моддалар анча-мунчага емирилиб кетавермайди. Масалан, музлаган сабзи ёки картошкадан овқат пишириб бўлмайди, аммо пиёз музлаган бўлса ҳам ўз таъмини ва таркибидаги моддаларини йўқотмайди.

Пиёзнинг яна бир хусусияти шундаки, унинг таркибида клетчатка деб аталувчи модда бошқа сабзавотларга қараганда озроқ миқдорда ва нафисроқ бўлади. Шу сабабли қовуриш ва қайнатиш жараёнида пиёз ҳужайралари таркибидаги макро ва микро элементлар, дармондорилар, азотли моддалар ва шакарлар тез ва яхши эрийди, пиёз билан бирга пиширилаётган масаллиқлар билан синтезлашади. Натижада пиёз қўшиб пиширилган овқатлар тотли чиқади, пиёзсиз овқат бемаза бўлишининг сабаби ҳам шунда. Дарвоқе, гўштсиз тайёрланган мошкичири юзига пиёздоғ солинганда нақадар лаззатли чиқишини ҳам бир эслаб қўйинг.

Карим МАҲМУДОВ,
пазанда.



Омон бўлинг, бувижон!

М. Нуриддинов фотоэтюди.

ҲАР ТЎҒРИДА

Венгриядаги «Электропутере» заводи ишлаб чиқарадиган гидро турбинали электр генераторларидан фойдаланиб аҳоли пунктларидан нарида бўлган биноларни электр энергияси билан таъминлаш учун жилғаларда митти ГЭС қуриш мумкин. Секундига 150 литр сув сарф бўлганида бундай митти ГЭС 2,5 киловатт-қувватга эга бўлган энергия вужудга келтира олади.

* * *

Руминиялик мутахассислар автомобиль моторлари учун арзон ёқилғи ҳосил қилиш технологиясини ишлаб чиқдилар. Бу ёқилғидаги октан сони юқори бўлиши туфайли у қисилиш даражаси катта моторларда қўллана олади. Ноэтил бензин, метил спирти ва сув шундай ёқилғи таркибига киради. Унинг ёниш маҳсулотларида ҳавони ифлослантирадиган зарарли моддалар йўқ.

* * *

Болгариядаги марказий машинасозлик институтида мураккаб шаклдаги майда деталларни жилолайдиган станок ишлаб чиқилди. Жилолаш абразив муҳитда магнит майдонининг таъсирида амалга оширилади. Магнит майдони абразив зарраларни найза учи билан ишлов берилаётган сирт сари йўллаб туради.

* * *

Софияда почта элтиш учун электрокар ишлатила бошлади. Анъанавий автофургон ўрнида электрокар ишлатилиши қимматли нефть ёқилғисини тежашга имкон беради ва хат ташувчиларнинг ишини анча енгиллаштиради. Бундай электрокарлар кўчаларда шовқин солмайди ва ҳавони яроқсиз газлари билан ифлослантирмайди.

* * *

Канадалик инженерлар саноат корхоналари тутун газларидан ажратиб олинувчи олтингугуртни цемент ўрнида ишлатиш йўли билан химиявий ғоятда чидамли пишиқ бетон ҳосил қилмоқдалар. Шу олтингугуртли бетондан ишлаб чиқариш биноларида ерга тўшаш учун пишиқ плиткалар, канализация қувурлари, емирувчи суюқлик сақланадиган чонлар ва силос омборлари ясалмоқда. Ҳар йили Канадада икки миллион тонна шундай бетон ишлатилмоқда.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Муҳим давр

СОФИЯ. Болгария коммунистларининг 800 мингдан кўпроқ кишини бирлаштирган отряди ҳаётида муҳим давр БКП бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланди. Бу йиғилишларнинг асосий вазифаси партия ташкилотлари фаолияти якунларини чиқариш ҳамда партия XII съездининг мамлакат экономикасини янада ривожлантириш ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган қарорларини амалга ошириш борасида янги марраларни белгилаб олишдан иборатдир.

Йиғилишларда коммунистлар партия ташкилотлари сиёсий, ташкилотчилик ва идеология ишларининг самарадорлиги ҳақида, бу ишларни янада такомиллаштириш йўллари тўғрисида гапирдилар. Муқобил планларни бажариш ва ошириб бажариш учун курашда коммунистларнинг авангардлик роли, ҳамма жойда ишлаб чиқаришни интенсивлаш жараёнини, ватан ва чет эл илғор тажрибасини жорий этиш жараёнини авж олдириш ва қарор топтиришда коммунистларнинг актив иштироки масалалари йиғилишларнинг диққат марказида бўлади.

СССР буюртмасига биноан

ВЕНА. Линц шаҳри кемасозлик корхонасида Совет Иттифоқининг буюртмаси билан қурилган яна бир кемада СССРнинг давлат байроғи кўтарилди. У ерда Совет-Дунай денгиз пароходчилигининг вакилларига қуруқ юк ортадиган теплоходни тантанали топшириш маросими бўлди. Бу кема Совет Иттифоқининг буюртмасига биноан корхонада ясалган шу типдаги кемалар туркумидан сўнггиси ҳисобланади. Янги теплоход универсал типдаги кемадир. У бештагача баржани итариб, бортига 200 минг тоннага қадар юк олиб бора олади.

Кемасозлик соҳасида Совет— Австрия ҳамкорлиги давом этаётганига 30 йилдан ошиб кетди. Шу вақт ичида Линц ва Корнейбург корхоналарида СССРнинг буюртмасига биноан замонавий пассажир кемаларидан тортиб қуруқ юк ортадиган ва махсус ишларни бажарадиган кемаларгача 170 тага яқин кема курилди. Совет Иттифоқининг буюртмалари туфайлигина Австрия кемасозлиги танглик нима эканлигини билмаяпти. Ҳолбуки ҳозир Ғарбий Европадаги бошқа капиталистик мамлакатларда саноатнинг ана шу тармоғи тангликка тушиб қолган. Иккала мамлакат кемасозлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган савдо-саноат алоқалари Австрия халқи билан совет халқи ўртасидаги ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш ишига қўшилаётган муҳим ҳиссадир.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

ХАНОЙ. Ханой халқ кенгашининг бу ерда тугаган навбатдаги сессиясида Вьетнам пойтахтини мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази сифатида янада ривожлантириш йўллари кўриб чиқилди.

Сессия қатнашчилари шу йилнинг дастлабки тўққиз ойн социал иқтисодий планлари қандай бажарилганлигини муҳокама қилиб, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, шаҳар чеккаларидаги кооператив хўжаликлар маҳсулдорлигини ошириш, соғлиқни сақлаш, маорифни ривожлантириш соҳасида муҳим муваффақиятларга эришилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Шу билан бирга улар халқ хўжалик корхоналари фаолиятига халақит бераётган камчиликларни ҳам уқтириб ўтдилар, бундай камчиликларни йўқотиш тадбирларини ишлаб чиқдилар.

Сессия қатнашчилари пойтахт меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни ВКП V съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун умумхалқ курашига янада активроқ қўшилишга даъват этдилар.

ФРАНКФУРТ — МАЙН. Бу ерда немис тинчлик кенгашининг конгресси тугади. Конгресс делегатлари тинчлик учун ҳаракатда, ГФРда Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракеталари жойлаштирилишига қарши курашда жамият иштироки масалаларини муҳокама қилдилар, шунингдек раҳбар органларни сайладилар. Жамият раиси қилиб яна К. Манхардт сайланди.

Ҳозирги конгресс жамият учун юбилей йилида ўтмоқда. Шу кунларда Ғарбий Европадаги энг катта урушга қарши бирлашмалардан бири ташкил этилганига 90 йил тўлди.

ЖАЗОИР. Жазоир пойтахтида ЖХДР халқ хўжалигида қуёш энергиясидан фойдаланиш юзасидан иккинчи миллий семинар тугади. Илмий-тадқиқот ташкилотларининг вакиллари территориясининг катта қисми Сахрои Кабирда жойлашган. Мамлакатда қуёш энергиясидан фойдаланишнинг кенг истиқболлари тўғрисида уқтириб ўтдилар. Энергиянинг ана шу турини қўллаш, деб таъкидлашди олимлар, ёқилғининг анъанавий турлари — нефть ва газни анча тежашга имкон беради.

Илмий учрашув давомида мамлакатнинг жанубий районларида радио ва телефон алоқалари воситалари ретрансляция станцияларининг ишини таъминлаш, шунингдек маиший мақсадларда қуёш энергиясини электр энергиясига айлантирувчи установкаларни қуришнинг узоқ муддатли планлари ишлаб чиқилди.

ДЕҲЛИ. ЮНИ ахборот агентлигининг хабар қилишича, Дамдам аэропорти районида Калькутта метрополитенининг поездлари йўлнинг тажриба участкасида синовдан ўтмоқда. Ҳиндистоннинг давлат корхоналарида Калькутта ер ости йўли учун тайёрланган поездлар ва асбоб-ускуналар пухта ва сифатли эканини исботлади, деб таъкидлайди ЮНИ агентлиги.

Ҳозирги вақтда метронинг марказий участкасида ишлар кечаю-кундуз давом этмоқда. Унинг биринчи навбати келаси йилнинг ўрталарида ишга туширилади, узунлиги 16 километрдан зиёд биринчи линия эса 1986 йилда фойдаланишга топширилади.

Совет мутахассислари метрополитен қуришда катта ёрдам бермоқдалар. Улар ҳиндистонлик ҳамкасблари билан бирга ана шу мураккаб иншоот лойиҳасини ишлаб чиқдилар ва энди зарур техникавий ёрдам бермоқдалар.

Хроника, хабарлар, фактлар

КУАЛА-ЛУМПУР. Малайзиянинг Саравак штати аҳолиси тимсоҳларга қарши ҳақиқий уруш олиб бормоқда. Даҳшатли судралувчилар Батанг Лупар дарёсининг соҳилларида жойлашган қишлоқларнинг аҳолисига даҳшат солмоқда. У ерда кўпайиб кетган катта-катта тимсоҳларга (баъзиларининг узунлиги 6— 8 метрга боради) 11 киши ем бўлди. Маҳаллий овчиларга ёрдам бергани полиция отряди ҳам юборилди.

ЛОНДОН. Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида инглиз Майк Кендрик билан швед Линстран ҳаво шарида баландликка кўтарилиш бўйича қўйилган жаҳон рекордидан ўзиш ниятида эканликларини айтдилар. Бу иш келаси йилга режалаштирилган. Ҳозирги вақтдаги рекорд 16,5 километрдир.

Аэронавтлар 21, 24 километр баландликка кўтариладилар. Бу баландлик рейс самолётларининг учиш баландлигидан икки баравар юқори ва космос чегарасидан 5— 6 километр пастдир.

Шар шиша шаклида бўлади (узунлиги — 200 метрдан кўп ва ҳажми 12.600 кубметр). Шар иссиқ ҳаво билан тўлдирилади. 2— 4 соат давом қиладиган учиш Буюк Британия территориясидан бошланиб ё Шимолий денгизда ёки Ламанш бўғозида тугайди.

Учишни хавфсиз қилиш учун синовчилар ва бир тоннача келадиган ҳаво шарининг гондоласи парашютлар билан таъминланади.

* * *

Бери — Манчестер поездининг пассажирлари тўрт километр юрганларидан кейингина бош вагонда машинист... йўқлигини пайқаб қолдилар. Бу пайтда локомотивнинг омади юришмаган ҳайдовчиси «қочиб кетаётган» экспрессни таксига тушиб қувиб борарди. Стрелкачилардан бирининг ҳушёрлиги туфайли составни Манчестердан 14 километр берида тўхтатиш мумкин бўлди. Пассажирларнинг чўчиганлиги қолди, холос.

«Бритиш рейл» темир йўл компанияси вакилининг айтишича, тормоз системасидаги носозлик ва жойнинг анча нишаблиги поезднинг станциядан «ўзўзидан» жўнаб кетишига сабаб бўлган.

МУШКУЛ ПРОБЛЕМАЛАР

МЕХИКО. Мексика пойтахтининг шаҳар маъмурлари унинг 16 миллионли аҳолиси дуч келаётган муаммолардан ташвишдадирлар. Мехико шаҳрининг энг мушкул проблемаларидан бири транспорт проблемасидир. Қатнов авжига чиққан дамларда шаҳар кўчаларида, 3 миллионга яқин автомобиль, автобус, троллейбус қатнаб туради. Шу дамларда кўчаларда транспортнинг доимо тиқилиб қолиши, минут сайин тўхташлар одатий бир манзарадир.

Шаҳардаги ҳавонинг булғанганлиги ҳам жиддий бир проблемадир. Пойтахтда шунча автомобилдан ташқари анчагина саноат корхоналари ҳам бор. Бундан ташқари тез-тез бўлиб турадиган шаррос ёмғирлар чоғида кўпгина кўчаларни, айниқса шаҳар чеккасидаги кўчаларни сув босади. Оқиб кетадиган ариқ йўқлигидан сув кўчаларда ҳалқоп бўлиб уларни ҳақиқий анҳорларга айлантиради.



ГФР. Любек порти шаҳарнинг сокин жойларидан биридир.

А. Григорьев фотоси. (ТАСС).

«АЛИФБЕ»НИ ЎҚИБ...

(ИХЧАМ ТАҚРИЗ)

Китоб— бебаҳо бойлик, болани ҳаёт пиллапояларидан етакловчи ёруғ шуъла. Айниқса, «Алифбе» китоби ёзишга ўргатган устоз — муаллимдир. Шу кеча-кундузда фарзандларимиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Оқилхон Шарафиддинов ва педагогика фанлари кандидати Қумри Абдуллаевалар томонидан яратилган янги «Алифбе» китобидан саводларини чиқаришмоқда. Бу воқеа республикамиз жамоатчилигини, кўп мингли ота-оналар ва педагогларни ниҳоятда хушнуд этяпти.

Китоб янги системада тузилган бўлиб, унда болаларнинг тафаккур қилиш фаолиятини ривожлантирувчи топшириқлар, текстлар остида берилган саволлар етти ёшли боланинг ижодий фикр юритишига имкон беради. Дарсликнинг муваффақиятли томонларидан бири, ўтилган ҳарфларнинг саҳифалар оша қайта-қайта бериб борилишидир.

Бу ўтилган ҳарфларнинг ўқувчи томонидан такрорланиб боришига ёрдам беради. Айниқса, унлиларнинг қизил рангда, ундошларнинг ҳаво рангда берилиши бола учун қулайлик яратади.

«Алифбе» китоби билан «Ғунча» журнали узвийлигининг таъмин этилиши ҳам қувонарлидир. Ҳар иккиси ҳам кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг қизиқишларини ҳисобга олади. Янги «Алифбе»да журнал қаҳрамонлари Ғунчаой, Тариқвой ҳамда қувноқ Буратино қатнашган. Қаҳрамонлар болаларга турли топшириқ билан мурожаат этишади. Бу усул бола нутқининг ўсиши, тилининг равонлашишига ёрдам беради.

«Алифбе» саҳифаларида аввалги «Алифбе»га қараганда жуда кўп замонавий текстлар бор. Авторларнинг кўп йиллик кузатувлари болага манзур ва маъқул бўладиган, шу давр талаби акс этган текстлар тузиш имконини яратган. Кўп ҳолларда диалогли текстлар бор. Бизнингча, бу текстлар ўқиш учун қулай.

Масалан:

— Парпи, бу нима?

— Бу — ипак қурти (50-бет).

— Шавкат, кел, «п»га сўз топамиз.

Ўктам деди: «Пилла». (51-бет).

Китобдаги рангли расмлар текстлар билан узвий боғлиқ. Китобда яхши мазмундаги эртакларнинг бош қисми берилиб, давоми боладан сўралади. Бу — яхши усул.

Китобнинг 76-бетида «ж» товуши ва ҳарфини таништириш учун 41 та «ж» ҳарфининг иштирок этиши ўринли. Чунки бола шу саҳифадаёқ «Ж» товушининг талаффузини тўлиқ ўзлаштиради, ҳарфни танийди ва ёзишга ўрганади.

«Алифбе»да болаларни дўстлик, ўртоқлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбияловчи текстлар кўп. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан эртак, топишмоқ, мақол ва тез айтишлар кичкинтойларга манзур бўлади.

Масалан:

Бири: чиқ-чиқ, чиқ, — дейди.

Бири: чирқ, чирқ, чирқ, — дейди

Қайси бири дон сўраб,

Қайси вақтим йўқ? — дейди.

Бу топишмоқдаги «чиқ», «чирқ» сўзларининг ўхшашлиги, бола олдига қўйиладиган вазифа қайси — ҳарф ортиқ бўлгани учун бири соат, бири қуш эканлигини аниқлашдир. Тез айтишларнинг берилиши китобни анча бойитган.

Янги «Алифбе» китобида биринчи бор Ҳамза Ҳакимзода, Зафар Диёр, Қуддус Муҳаммадийларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти берилган. Буни табриклаш керак.

«Алифбе» китоби билан бирга махсус «Иш дафтари»нинг нашр этилиши ўқитувчи ишини анча енгиллаштирган. Лекин иш дафтари билан «Алифбе»нинг тўла мослигига эришиш лозим.

«Алифбе» қайта-қайта нашр этилади, ҳали. Шунинг учун ҳам унинг кейинги нашрларда тузатилиши лозим бўлган бир-икки камчиликларини айтиб ўтмоқчимиз. Баъзи бир текстлар заводи чиқаётган бола учун ҳажми жиҳатидан оғирлик қилади. Масалан «Ч» ҳарфи саҳифаси (38-бет).

Баъзи саҳифаларда ўтилмаган ҳарф иштирокида сўз тузилган. 31-бетда. «Қодир» сўзидаги «р» ҳарфини бола ҳали билмайди. Уч ва ундан ортиқ бўғинли сўзлар китобнинг охирроғида ишлатилса, ўқувчига анча енгил бўларди.

Энди икки оғиз сўз китоб безаги ҳақида. Умуман, расмларнинг жуда кўпчилиги текстларга мос. Аммо китоб муқоваси безагини яна бир бор жиддий ўйлаб кўриш керак. Қизча яхши, қувноқ. Лекин ёнгинасидаги «алифбе» сўзининг катак-катак қилиб ёзилишига айримларининг фонида учбурчаклар ҳосил қилиб, икки хил рангга бўяб қўйилишига нима ҳожат бор эди?

Расмлардаги болаларнинг ёшини ҳам синчиклаб кўриш керак. Айрим расмларни маҳаллий шароитга мослаш, ҳаётга яқинлаштириш лозим (9, 23-бетлардаги суратлар).

М. ҚОСИМОВА,
Октябрь районидаги 59-мактаб ўқитувчиси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.
Р. АБДУЛХАЕВА,
Октябрь районидаги 59-мактаб ўқитувчиси.
Я. САЪДУЛЛАЕВА,
«Ғунча» журналининг муҳаррири.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

2 ДЕКАБРЬ, 1982 й.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА

«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ПРОГРАММАДА:

«АЙТСАМ ТИЛИМ КУЯДИ, АЙТМАСАМ ДИЛИМ...»

(икки бўлимдан иборат театрлаштирилган эстрада томошаси).

СЦЕНАРИЙ МУАЛЛИФИ— ШЕРҚЎЗИ ҒОЗИЕВ.

ҚАТНАШАДИЛАР:

Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Ўсар ЮСУПОВ, Ноила НУРМУҲАМЕДОВА, Аъзам ҒОЗИЕВ, Малика ШАРИПОВА, Ғайбулла МЕЛИЗИЕЕВ, Мастура ФАЗЛИТДИНОВА, Санобар РАҲИМОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани Мамасоли ХОЛМАТОВ **ва** Зайниддин ОМОНОВ **олиб борадилар.**

«Ханда» ансамблининг бадиий раҳбари—Шерқўзи ҒОЗИЕВ.

Музика раҳбари — Мирсалим МУҲАММАДЖОНОВ.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

4 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ ЖАМОАЛАР КЎРИГИ-КОНКУРСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Ғуломжон ЁҚУБОВ
VI Жаҳон фестивалининг лауреати
Анвар РУСТАМОВ
Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Назриддин ШЕРМАТОВ
СОЛИСТЛАР: Дилором ҚАЮМОВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Моҳичеҳра ИСЛОМОВА, Лола ОҚИЛОВА, Роза ҚАКУРИЕВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ **олиб боради.**

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери— Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МЎМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

мактаб ўқувчиларининг қишки каникул кунларида намойиш қилинадиган спектакларнинг

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

2/I да — ЧИО-ЧИО-САН (кечқурун).

3/I да — ЭТИК КИЙГАН МУШУК (кундузи), СЕВГИ УЧУН СЕВГИ (кечқурун).

4/I да — СЕВГИ УЧУН СЕВГИ (кундузи), МАЙСАРАКИНГ ИШИ (кечқурун).

5/I да — БОРИС ГОДУНОВ (кундузи), ДОН КИХОТ (кечқурун).

6/I да — ДОН КИХОТ (кундузи), ТРАВИАТА (кечқурун).

7/I да — ЭТИК КИЙГАН МУШУК (кундузи), УЙҚУДАГИ МАЛИКА (кечқурун).

8/I да — УЙҚУДАГИ МАЛИКА (кундузи), МАСХАРАБОЗЛАР (кечқурун).

9/I да — АЛАВУДДИННИНГ СЕҲРЛИ ШАМЧИРОҒИ (кундузи), ОЛАМНИНГ ЯРАТИЛИШИ (кечқурун).

10/I да — ГЎЗАЛ ВАСИЛИСА (кундузи), ТОҲИР ВА ЗУҲРА (кечқурун).

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ
247-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1982—83 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: карамелчилар, шоколадчилар, конфетчилар, кондитерлар (қандолатчилар), нонвойлар— тандир нони ва булочка пиширувчилар, лаборант-химиклар, автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари ремонти бўйича слесарь, саноат ускуналарини созловчи слесарь (нон ва пиво заводлари учун), холодильниклар ремонти бўйича созловчи-механиклар, қурилиш бўёқчилари.

Билим юртига 8-10 синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ ўрта маълумот ҳамда касб тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар 3 маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

10 синф ҳажмида маълумотлилар 1 йил ўқийдилар ва ойига 30 сўм стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга юборилади.

Билим юртини битирганлар танлаган мутахассисликлари бўйича Тошкент нон корхоналарида, кондитерлик-булочка комбинатида, «Ўртоқ» конфет фабрикасида ва Тошкент пиво корхоналарида ишлайдилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ёзилган ариза, характеристика, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, медицина ва турар жойидан справкалар, 6 та фотосурат (3х4 см), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Истиқбол кўчаси 3-уй, (68, 133, 106, 15, 45, 127, 23, 81-автобуслар, 5-трамвайнинг «Қўйлиқ» бекатлари). Телефон: 90-36-69.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ ЎҚУВ КОМБИНАТИ
минорали кран машинистларини тайёрлайдиган
4, 5 ОЙЛИК КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 18 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Курсларга қабул қилинганларга ҳар ойда 75 сўмдан стипендия берилади.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ёлғиз кишилар ётоқхона ва Тошкент шаҳрига прописка билан таъминланадилар.

Курсларни тугатганлар «Главташкентстрой»га қарашли **«Строймеханизация» трестининг бошқармаларида ишлайдилар.**

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700096, Тошкент шаҳри, 96-алоқа бўлими, Ғ. Ғулом кўчаси, 6-уй (4, 9, 11-трамвайлар, 13, 29, 70, 77-автобусларнинг «Оқтепа майдони» бекати).

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/XII да **Келинлар қўзғолони**, 3/XII да — **Соқов рицарь.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—2/XII да **Дилафрўзга тўрт ошиқ**, 3/XII да **Ишонмасанг ўламан.**

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **РСФСР халқ артисти Иван Рубан раҳбарлигидаги ёввойи ҳайвонлар аттракциони гастроллари** (19.30).

кино

2 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ШАХСИЙ МАНФААТСИЗ» — **Кўкча.**

«ҚАЙНОҚ ЦЕХ» — **Искра.**

«ИНҚИЛОБЧИ БЎЛИШ ОСОН ЭМАС» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«БИРИНЧИ ШАХС ТИЛИДАН ҲИКОЯ»— **Қозоғистон.**

«ИРКУТСК УЧРАШУВЛАРИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ҲАР ДОИМ БЎЛАЙ МЕН» — **С. Раҳимов номли.**

«БИЗ ТАСЛИМ БЎЛМАЙМИЗ, БИЗ КЕТЯПМИЗ»— **Ҳамза номли, Янгиобод.**

БАДИИЙ ФИЛЬМ:

«БОЖХОНА» — **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

3 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ШАХСИЙ МАНФААТСИЗ» — **Кўкча.**

«ҚАЙНОҚ ЦЕХ» — **Искра.**

«ИНҚИЛОБЧИ БЎЛИШ ОСОН ЭМАС»— **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«БИРИНЧИ ШАХС ТИЛИДАН ҲИКОЯ»— **Қозоғистон.**

«ИРКУТСК УЧРАШУВЛАРИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ҲАР ДОИМ БЎЛАЙ МЕН» — **С. Раҳимов номли.**

«БИЗ ТАСЛИМ БЎЛМАЙМИЗ, БИЗ КЕТЯПМИЗ» — **Ҳамза номли, Янгиобод.**

БАДИИЙ ФИЛЬМ:

«БОЖХОНА» — **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

«Ташобликолхозстрой»
трестининг
25-колхозлараро ихтисослаштирилган кўчма механизация колоннасига
автокранчилар
КЕРАК
Зарур бўлганларга квартира берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент области, Оржоникидзе райони, Тузель қишлоқ Совети, Чингелди посёлкаси («Шастри автостанцияси» —«Чингелди» маршрутида қатнайдиган автобуснинг сўнгги бекати).

Ўрта Осиё темир йўлининг ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ ДЕПОСИ
тепловоз машинистлари ёрдамчиларини тайёрлайдиган
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Курсантларга ҳар ойда 90 сўмдан стипендия берилади.

Ёлғиз кишилар ётоқхона ва прописка билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 13/22-уй.

Ўзбекистон ишчилар таъминоти бошқармасининг Тошкент савдо-харид базаси маҳаллий комитетининг йўқолган ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Ўзстройиндустрия» Республика саноат бирлашмасининг 2-темир-бетон буюмлари заводи паст маркали цемент йўқлиги туфайли аҳолига бетон қотишмасини

СОТМАЙДИ

Давлат банкининг Собир Раҳимов район бўлими томонидан Собир Раҳимов райпишчеторгига берилган код номери 6907, шартнома номери 122460 бўлган йўқолган 122463 номерли

СПРАВКА **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги 16-поликлиника маҳаллий комитетининг йўқолган **ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ДЎСТЛИК РАЙОН МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАРМОҒИНИНГ **ЙЎҚОЛГАН** правление думалоқ печати, сурғучли печати, тўрт бурчакли печати, вино-ароқ маҳсулотларини маркалаш учун ишлатиладиган штампи **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Политехникуми томонидан **Бабаев Турнестанбай Дадашевич** номига берилган 572205 номерли йўқолган **ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

С. Раҳимов районидаги 2-кечки мактаб томонидан **Ажамилов Азмитдин** номига берилган 435190 номерли йўқолган **ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

4- АВТОТРАНСПОРТ ҚОРХОНАСИ

профессионал ҳайдовчиларни тайёрлайдиган

5,5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаб қайтган ва Тошкент шаҳрига доимий прописка қилинган йигитлар қабул қилинади.

Стипендия — 45 сўм.

Машғулотлар группалар тўлишига қараб бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Тўёна кўчаси, 205-уй (Революция хиёбонидан 68-автобус билан «4-автотранспорт корхонаси» бекатигача борилади).



Ҳар бир кишининг ҳаётида «Ким бўлсам экан?» деган масала кўндаланг бўладиган кунлар ҳам келади. Жамиятга, одамларга фойда келтирмоқ учун қандай касбни танламоқ керак? Агарда кишининг қалбига ёқадиган касб танланган бўлса, бундай пайтда ўзининг барча билимини, истеъдодини ана шу касбга сафарбар этиш мумкин.

Сиз сотувчи бўлиб етишишга аҳд қилдингиз! Бу замонавий, одамларга жуда ҳам керакли касб бўлиб, у амалий кўникма ҳосил қилишни, кўпроқ назарий тайёргарлик кўришни тақозо этади.

Биз байрам арафасида ҳам, оддий иш кунларида ҳам магазинларга бориб турамиз. Эътиборли ва ҳайрихоҳли бўлган инсон — сотувчининг майин табассумини кўриш қандай ёқимли. Бу инсон сизга у ёки бу буюмни танлашда ёрдамлашади, уни амалда қандай қўллаш юзасидан ҳикоя қилиб беради.

СОТУВЧИЛИК — ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЖУДА ҲАМ МОС КАСБ. БУ БЕЖИЗ ЭМАС, ЧУНКИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎЗЛАРИДА СОТУВЧИЛИККА ХОС БЎЛГАН КЕРАКЛИ ФАЗИЛАТЛАР: ХУШМУОМАЛАЛИК, СЕЗГИРЛИК, ҲАЙРИХОҲЛИКНИ КЎПРОҚ МУЖАССАМЛАШТИРГАНЛАР.

Худди ана шунинг учун ҳам биз биринчи навбатда Сиз қадрдон қизларни ишга таклиф этар эканмиз, шундай деймиз: савдода ишлашга марҳамат қилингиз!

ОЗИҚ-ОВҚАТ ЁКИ САНОАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ БЎЛИШГА АҲД ҚИЛГАН ҚИЗЛАРНИ

МАКТАБ-МАГАЗИНГА ЎҚИШГА ЧОРЛАЙМИЗ!

МАКТАБ-МАГАЗИНГА КИМЛАР ЎҚИШГА КИРА ОЛИШИ МУМКИН?

16 ёшдан кичик бўлмаган, 10 синф ҳажмида маълумотли (лекин 8 синфдан кам бўлмаслиги керак) ва Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлган хотин-қизлар қабул қилинадилар.

Қабул кириш имтиҳонларисиз ўтказилади.

Мактаб-магазинга ўқишга кириш учун маълумоти тўғрисида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, мактабдан ёки кейинги иш жойидан характеристика, турар жойидан справка, 2 та фотосурат керак бўлади.

ЎҚИШЛАР ҚАНДАЙ ОЛИБ БОРИЛАДИ?

Мактаб-магазинларда ўқишлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш муддати — 4 —6 ой.

Ўқувчилар ойига 54 сўмдан 63 сўмгача стипендия оладилар. Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Битирувчилар ўқишни тугатганларидан кейин Тошкент шаҳридаги магазинларга ишлашга юборилади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг «ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ — Кафанов кўчаси, 65-уй. Телефон 33-75-48.

Ленин райпишчеторгининг «ГУЛЧЕҲРА» МАКТАБ-МАГАЗИНИ — Фоменко кўчаси, 64-уй, Телефон 91-10-03.

Ҳамза райпишчеторгининг «АВИАСОЗ» **савдо марказидаги** МАКТАБ-МАГАЗИНИ —4-квартал, Лисунов кўчаси, Телефон 96-56-00.

Куйбишев райпишчеторгининг «БЕЛАРУСЬ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ— Луначарский шоссеси, 49-уй. Телефон 66-05-49.

1-«Универсам» қошидаги «ХИЗМАТ-БЕМИННАТ» мактаб-магазини— Юнусобод массиви, А. Дониш кўчаси, Телефон 24-08-92.

«Ташлимводторг»нинг МАКТАБ-МАГАЗИНИ — Форобий кўчаси, 13-уй. Телефон 44-33-88.

ОЗИҚ-ОВҚАТ БЎЛМАГАН МОЛЛАРНИНГ СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ—КИЧИК СОТУВЧИЛАР, КАССИРЛАР ВА КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 10-квартал, 15-уй. Телефон 76-39-54.

«Ташкультторг»нинг 10-МАКТАБ-МАГАЗИНИ— Муқимий кўчаси 1-уй. Телефон 53-47-24.

САВДОДА 2 ЙИЛ МОБАЙНИДА ИШЛАГАНЛАР ҲОҲИШЛАРИГА КЎРА ТЕХНИКУМ ВА ИНСТИТУТЛАРГА ЎҚИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.



ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

2 ДЕКАБРЬ — ПАЙШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Шахмат мактаби». «Оқ руҳ». 18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Совет кишисининг актив ҳаётий позицияси». КПСС XXVI съезди делегати, Костромадаги «Рабочий металлист» заводининг темирчиси А. Мохов ҳақида. 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ягона оилада». Қозоғистон ССР, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси С. Н. Имашев сўзи. «Келажакка интилганлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Санъат усталарининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Дўстларимиз чеҳраси». 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 «Оперетта байрами».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 19.20 «Қўшиқ инсон билан қолади». 20.10 «София, рус бульвари». Ҳужжатли фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Халқаро конкурс лауреати В. Шакин чалади. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 21.00 «Ерда, самода ва денгизда». 21.30 «Время». 22.05 «Йўлдаги икки киши». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари
I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Тоғлар ва денгизлар учрашди». Болалар учун фильм-концерт. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.00 «Биз — ватанпарвар-интернационалистлармиз». «СССР 50 йиллиги» номли Тошкент трактор заводидаги Надежда Пьянковбошлиқ бригаданинг интернационал коллективи ҳақида ҳикоя (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Актёрлар ва роллар». Эркин Комилов. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Актёрлар ва роллар». Эркин Комилов (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Улар Ватан учун жанг қилганлар». Бадиий фильм. 1-серия. 23.25 Янгиликлар.

II

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «Танишинг, Чебоксар». Телевизион фильм. 18.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тили. 18.40 Реклама. 18.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 19.50 «Витим қирғоқлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Ўқитувчи экрани. Тайёрлов группаларини ташкил этиш. 20.50 Эстетика асослари. Санъатда мазмун ва шакл. 21.30 МТ II.

3 ДЕКАБРЬ— ЖУМА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Қуёш актив лиги йили». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 12.00 В. Ковтун чалади (аккордеон). 12.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар: «Соликамск тажрибаси». «Темиртов тажрибаси». 15.55 «Рус тили». 16.25 «Москва ва москвaликлар». 16.55 Афғонистон артистларининг чиқиши. 17.25 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Энг қадимги эртак». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 «Кўчат ўтказ». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.25 «Бир йўла ўтказиладиган ўйин сеанси». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Московские новости» газетасининг соврини учун фигурали учиш бўйича халқаро турнир. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 22.35 «Рус музейи». А. Венецианов, П. Федотов ва уларга замондош рассомлар. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 «Москва бўйлаб саёҳат Горький кўчаси».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 Илмий-оммабоп фильмлар. 19.30 «Салют, пионерия!». Ашхобод шаҳар Пионерлар саройи бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқиши. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Тошкент. Олмазор». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Тошкент). 21.00 «Жасорат». Сталинград остоналаридан немис-фашист босқинчилари тор-мор қилинганлигининг 40 йиллигига. 21.30 «Время». 22.05 «Шахсий масалалар бўйича бир неча интервью». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси
I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Дилли-Далли қуёшли боғда», «Тонгги қўшиқ». Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Тошкент область Калинин райони ёшлари билан ижодий учрашув. 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 «Дала ишлари кундалиги». 19.55 «Ижод гулшани». Тележурнал. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ўзбекистон композиторларининг янги асарлари». Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестри ижро этади. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Улар Ватан учун жанг қилганлар». Бадиий фильм 2-серия.

Чилонзор район халқ маорифи бўлими, маориф ходимларининг район касаба союз комитети ва 114-мактаб коллективи шу мактаб директорининг ўринбосари С. Сиддиқовга отаси

Сиддиқ ПУЛАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

2 ДЕКАБРЬ, 1982 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

Р—07532.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар —32-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери —32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Газета Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри.

В—2524 Индекс 64690.